



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (11.705)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ



Айни кунларда шаҳримиз туманларида ушбу байрамга тайёргарлик ишлари қизгин бормоқда. Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси ҳам Истиқлолимизнинг 19 йиллигини ҳар бир соҳада ўзига хос ютуқлар билан қутиб олишга, ободлаштириш, бунёдкорлик ишларига жадал киришган. Туман йил сайин обод ва кўркам бўлиб, ўзгача қиёфа, касб этмоқда. Янгидан янги замон талаблари даражасидаги ўқув ва шифо масканлари бунёд этилаётганлиги барчани қувонтирмоқда. Жорий йилда туманда кўркам ва замонавий кўринишга эга бўлган «Нодирабегим» ва «Шўртпепа» маҳалла гузарлари, ТТЗ мавзесидаги «Юзрабод» болалар спорт мажмуасида сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилганлиги фикримизнинг

Энг улғу ва энг азиз байрам – Истиқлолимизнинг 19 йиллигини доимгидек шодиёна руҳда, меҳнатда муносиб ютуқлар билан қутиб олиш ҳар бир ватандошимизнинг эзгу мақсади, албатта. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намуни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келаётгани қайд этилган.

яна бир далилидир. Айни кунларда ҳам туманда бунёдкорлик ишлари авжда. Иккита коллеж ва битта академик лицейда қайта таъмирлаш ишлари қизгин бормоқда. Мирзо Улуғбек кўчасидан ТТЗ мавзесигача бўлган кўча асфальтланди, 70 га яқин уйларнинг ташқи қисми ва 5170 та кириш йўлақлари қайта таъмирланиб, 415 та темир эшиклар ўрнатилди. Хозирда 114 та уй мукамал таъмирланмоқда. Шунингдек, Баркамол авлод йили муносабати билан маҳаллалар худудларида 34 та болалар майдончаси барпо этилди. Бундан ташқари, кўчаларнинг яшилдириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 2012 йилгача мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурига асосан туман иқтисодий салоҳиятини ташкил этувчи реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Жорий йилга белгиланган инвестиция дастури доирасида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўтган январь-июнь ойларида 80,4 миллиард сўмга тенг сармоялар ўзлаштирилди. Жумладан, «Бултекс Евро Стар» МЧЖ томонидан болгариялик ҳамкорлар билан йилга бир миллион дон болалар кийимлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳа асосида 188,2 минг АҚШ доллари миқдорда кредит маблағи ўзлаштириб, бу

ерда ҳозирги кунда сифатли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича «БФ-Текстиль» МЧЖ томонидан ҳам амалдаги қувватларни кенгайтириш мақсадида 931 минг АҚШ доллари тенг янги лойиҳа амалга оширилди. Истеъмо моллари ишлаб чиқариш соҳасида «Ўзқабель» ОАЖ корхонасида 1,2 миллион АҚШ доллари ҳисобидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналиши бўйича «Ника Фарм» ОАЖда жалб этилаётган 1,7 миллион АҚШ доллари тенг сармоянинг деярли ярми модернизация ва қайта техник жиҳозлашга сарфланиб, қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Қайд этилган лойиҳалар бўйича шу кунгача 3,3 миллион долларга яқин инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, кўплаб янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, туманда Истиқлолимизнинг 19 йиллигини муносиб қутиб олиш учун байрам олди тайёргарликлари қизгин паллада. Дарҳақиқат, биз учун буюк қадрият саналмиш Истиқлолимиз бебаҳо неъмат эканлигини ҳар бир юрtdошимиз юракдан ҳис этмоқда. Уни авайлаб-асраш, эъзозлаш инсоний бурчимиздир.

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, ўтган вақт ичида бюджетдан ажратилган 41 миллиард сўм — «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасидаги вазифаларга, 237,2 миллиард сўм — маданий-ижтимоий тадбирларни амалга оширишга, 2,6 миллиард сўм — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Ҳисобот қилишда маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, барқарор ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташқи бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш учун уларга ҳар томонлама қўмаклашиш йўналтирилди.

Ҳисобот қилишда маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, барқарор ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташқи бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш учун уларга ҳар томонлама қўмаклашиш йўналтирилди. Умуман олганда, ўтган вақт ичида таққослама даврга нисбатан 28,7 фоизга кўп маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган.

(Давоми 3-бетда).

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида «парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган... гоёта муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир», деб таъкидлади.

Парламент назорати қонунларни ижро этиш даражасини ва уларнинг самардорлигини амалда аниқлашнинг, шунингдек, давлат ва жамиятни тараққий эттириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларга ўз вақтида ўзгартирилдириш киритишнинг таъсирчан воситасидир.

(Давоми 2-бетда).

Илгари хабар қилинганидек, шаҳар фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил учун белгилаб берилган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ҳар бир жабҳада ривожланиш жараёнларини такомиллаштириш, замонавий технологияларни татбиқ этиш, аҳоли турмуш даражасини янада оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилди. Чунончи, 2012 йилгача мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, ишлаб чиқаришни фаол модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш натижасида ўтган январь-июнь ойлари давомида иқтисодий барча соҳаларининг юқори ва барқарор суръатларда ўсишига эришилди, бу эса, ўз навбатида, макроиқтисодий ва мо-

лиявий барқарорлик таъминланишига асос бўлди.

Жорий йилнинг биринчи ярим

Шаҳар фаоллари йиғилиши

СИФАТ МЕЗОНИГА — АСОСИЙ ЭЪТИБОР

йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 8,5 фоизга ўсиши таъминланди, шу жумладан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 13,6 фоизга, истеъмо маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 11,9 фоизга, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми — 4,3 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми — 13,3 фоизга ошишига эришилди.

Ушбу кўрсаткичлар бюджет даромадлари асосида шакллантирилиб, давлат дастурлари ва ижтимоий вазифаларнинг вақтида

мақсадида қўрилган қатъий чоралар туфайли, жумладан, ушбу йўналишда фаолият юритаётган пойтахт корхоналари томонидан жорий вақт учун белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажаришга, баъзи йўналишлар бўйича ҳаётчи юқори ўсиш суръатларига эришишга муваффақ бўлинди. Умуман олганда, ўтган вақт ичида таққослама даврга нисбатан 28,7 фоизга кўп маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган.

(Давоми 3-бетда).

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидин.

✓ **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида ўтказилган давра суҳбати аёлларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада юксалтириш масалаларига бағишланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** авиаходимлари касаб ва уюшмасининг бешинчи курултойида тизимда беш йил ичида қилинган ишлар сарҳисоб қилинди ва келгуси режалар белгилаб олинди.

✓ **«СУВСОЗ** трести» унитар корхонасида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан ёнғин чиқишининг олдини олиш чораларига бағишланган ўқув машғулоти ўтказилди.

✓ **БУГУН** Яққасарой туманидаги «Тепа» маҳалласида «Қамолот» ЁИХ бўлими ташаббуси билан кўчма спорт ўйинлари уюштирилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Европа Иттифоқи Эронга нисбатан қатъий санкцияларни жорий этди. Улар асосан нефть, газ соҳаларига тааллуқли бўлиб, расмий Техронни ўз ядро дастури юзасидан халқаро музокараларга жалб этишга йўналтирилган.

• Таиланд ҳукумати мамлакатнинг учта музофотида фавқулодда ҳолат тартибини бекор қилди. Бу худудларда муҳолифатнинг сиёсий хуружлари энди кузатилмайди. Зеро маҳаллий маъмурлар ўз худудларини ўзлари назорат қилиш қувватига эгалар.

• Россия қишлоқ хўжалиги вазирлиги кучли қурғоқчилик боис мамлакатнинг 23 та худудидида фавқулодда ҳолат эълон қилди.

• Кеча Ироқнинг Карболова Нажаф шаҳарларини ўзаро боғловчи йўлда иккита миналаштирилган автомобилнинг портлатилиши натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, Бағдодда амалга оширилган ана шундай террорчилик ҳаракати эса тўрт кишининг умрига зомин бўлди.

• Кеча Санкт-Петербургда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг саъй-ҳаракатлари билан АҚШдан Россияга наркотик ўтказишнинг йирик йўлларида бериға барҳам берилди.

• Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб кетиши Фарбий Европа мамлакатларида ўрмон ёнғинларини келтириб чиқарди. Хусусан, Франциянинг Марсел шаҳридан 30 километр узоқликда кузатилаётган ёнғин ўнлаб квадрат километр майдондаги яшил худудга зарар етказган. Бундай ҳолат Португалияда ҳам рўй бермоқда. У ерда иссиқ ҳаво ва шамол ёнғиннинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиб кетишига олиб келмоқда.



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

• Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида туман иқтисодиёти соҳа ва тармоқларида изчил ўсиш суръатлари таъминланиб, жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 25,8 фоизга, истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми – 8,1 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми – 9,5 фоизга ўсди.

• Туманда ҳисобот даврида 47,6 миллиард сўмга тенг қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

• Январь-июнь ойлари давомида 4928 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, касаначиликни ривожлантириш мақсадида 318 нафар оила аъзоси уй шароитида иш билан таъминланди.

• 21 та маҳалла фуқаролар йиғини идораси компьютер билан таъминланди, учтаси мебель билан жиҳозланди.

• «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида 34 та болалар майдончаси барпо этилди.



Ёшлар — келажакимиз

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

қарорлар амалда ўз ифодасини топиши учун барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, мактабларда, маҳаллаларда ҳам кенг тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

— Ўғил-қизларни спортга жалб этиш масаласига айниса алоҳида эътибор қаратилади, — дейди «Камолот» ЕИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши раиси Рустам Масалиев. — Масалан, Ички ишлар бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида яқинда «Юзрабод» болалар спорт мажмуасида спорт мусобақалари ўтказилди. Унда 50 дан зиёд ўсмирлар иштирок этди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди. Кенгаш қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ҳам кўплаб лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Ҳар бир лойиҳа бўйича чора-тадбирлар дастури, иш ре-

жалари, жадваллар ишлаб чиқилган. «Ёзи» «Камолот» билан лойиҳаси шулар жумласидан. Болаларнинг ёзги дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида мактаблар қошидаги оромгоҳларда «Юрт келажиги — баркамол авлод қўлида» шиори остида футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, теннис бўйича мусобақалар, «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир» шиори остида бадий гимнастика, шахмат, шашка, стол тенниси ва мини-футбол бўйича қизлар ўртасида беллашувлар ўтказиб келинмоқда. Ўзимиз ёш бўлсакда, аммо мақсадимиз тенгқурларимизни, ука-сингилларимизни жисмонан соғлом, билимли, маънан етук инсонлар бўлиб камолга етиши йўлида камарбаста бўлишимиз. Ахир биз — истиқбол эгаларимиз, демек, шу номга муносиб бўлмоғимиз даркор.

Маҳалланг — ота-онанг

ТОТУВЛИК ВА ЭЗГУЛИККА УНДОВЧИ ГЎША

Юртимизда Ватан ичра кичик бир ватан саналмиш шундай бир гўша борки, уни маҳалла деб атаймиз. Маҳалла — бу меҳр-оқибат, бирдамлик, инсонпарварлик, хайру саховат сингари фазилатларни ўзида намойён этувчи, инсонларни миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, эзгуликка ундовчи маскандир.

— Маҳаллаларда ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда бир қатор замонавий кўринишдаги гузарлар барпо этилди, мавжудлари қайта таъмирланди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Шухрат Чоршанбиев. — Албатта,

бундай ижобий ўзгаришлар аҳолини янада ҳам жиҳат бўлишга ундайди. Масалан, 300 ўринга эга бўлган «Шўртепа» маҳалла гузарига ҳозирда тўй ва бошқа тантаналар, турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бу маҳаллада бу-

гунги кунда 2,7 мингга яқин киши тинч-тотув, ҳар бир ишда бамабслаҳат бўлиб яшаб келмоқда. Тумандаги фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан маросимларни ихчам ўтказиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, вояга етмаганларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мақсад ягона — маҳаллаларимиз, оилаларимиз тинчлиги, фаровонлигини таъминлашдир. Айни кунларда эса маҳалладошларимиз Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш иштиёқида ободонлаштириш ишларига астойдил бел боғлаган.

Саҳифа материалларини Дилором ИКРОВА таяёрлади
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Доимий парламент назоратини амалга ошириш ижро этувчи давлат органлари фаолиятининг самарадорлигига, қонунларни ижро этиш жараёнида давлат механизми ишида уйғунлик ва мувофиқликка эришишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишининг олдини олишга, амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этиш амалиётини таҳлил қилишга қаратилган. Айна қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётини чамбарчас боғлаб олиб бориш парламент назоратининг муҳим хусусиятларидан бирини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Миллий матбуот марказида 23 июль куни ўтказилган «Парламент назорати самарадорлигини ошириш: ҳозирги аҳоли ва истиқболлар» мавзусидаги конференцияда мамлакат парламенти юқори палатасининг назорат функцияларини тубдан яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Конференцияда назорат функцияси Сенатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламент назорати тизимида алоҳида ўринга эгалиги ва унинг вакиллик функциясини рўйбга чиқариш билан бевосита боғлиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати томонидан амалга оширилаётган парламент назоратининг қонунчилик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг нормалари ташкил этади.

Сенатнинг назорат функцияси унинг қўмиталарининг йиллик назорат фаолияти режаларига мувофиқ қонунларнинг у ёки бу вилоятда, вазириликлар ва идоралар ёки бошқа институциявий тузилмалар томонидан ижро этилишини, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ишини ўрганиш, Сенат аъзоларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлисларида иштирок этиши, сенаторларнинг сайловчилар билан учрашувлари ва қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини тушунтириб беришлари, фуқароларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқиш, муайян минтақа аҳолисини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган таклифларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади.

Муҳокама асосида конференция қатнашчилари Сенат мамлакат парламентидаги ҳудудий вакиллик органи сифатида ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаб, давлат қарорлари ва бошқа қарорларни қабул қилишнинг умумий жараёнига реал таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидладилар. Унда жамоат манфаатларининг жамланishi ва ошқорча баён этилиши парламентни ҳокимиятлар билан турли давлат органлари ўртасидаги зиддиятлар бартараф этиладиган оммавий майдонга айлантирмоқда, Сенат ваколатлари доирасида манфаатлар мувозанатини қонунан таъминлашга имкон бермоқда.

Парламентнинг қонунчилик ва назорат функцияларини амалга ошириш борасидаги ваколатлари мустаҳкам бирликти ташкил этади. Бунда, бир томонидан, қонун ижодкорлиги жараёни амалиётини эҳтиёжларини қондириши, унинг материалларига асосланиши, жамиятдаги ўзгаришларга сезгирлик билан муносабат билдириши керак, иккинчи томонидан эса, ушбу эҳтиёжларни асосан у ёки бу қонун ҳужжатининг амалга оширилишини назорат қилиш йўли билан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш чоғида аниқлаш мумкин.

Конференция қатнашчиларининг маърузалари ва чиқишларида Сенат қўмиталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, улар доимий комиссияларининг парламент назоратини амалга ошириш ҳамда унинг самарадорлигини кучайтириш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди. Шунингдек, парламент назоратининг парламент сўрови каби шаклини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда парламент назорати институтининг норматив-ҳуқуқий базасини кенгайтириш юзасидан таклифлар таяёрлаш зарурлиги ҳақида сўз юритилди. Парламент назоратининг барча минтақаларда ишларнинг реал аҳолини ўрганиш асосида қонунларнинг амалдаги ижросини янада яхшилашдаги роли таъкидланди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Конференция ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтининг, Тошкент давлат юридик институтининг ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ҳуқуқшунос олимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА)

Мустақиллик — тақдиримда

ҚАЛБДА ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

Дилдора ЖАМОЛОВА,
Успенский номидаги республика махсус музыка академик лицейи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Юксак маънавиятли, соғлом ва теран тафаккурли баркамол инсонни тарбиялашда музыка санъатининг алоҳида ўрни бор. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан Юртобшимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг қўламли савий-ҳаракатларнинг натижаси сифатида миллий кадриятларимизни тиклаш, бадий музыкаий меросимизни ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш учун барча шароитлар яратилди. Бугунги кунда музыка санъати ўзининг бетакдорлиги, анъаналарини сақлаб, ривож топмоқда. Президентимизнинг «Болалар музыка ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб, фарзандларимиз истеъдодини хар томонлама очиб беришга, маданий савиясини юксалтиришга, санъат орқали миллий кадриятларимизни ҳурмат қилиш ва бойитишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Истеъдод гўнчалари камол топаётган Успенский номидаги республика махсус музыка академик лицейида ўқувчиларимиз халқаро танловларда иштирок этиб, муносиб ютуқларни қўлга киритаётганлиги қалбимизни фаҳрга тўлдирмоқда. 2009 йилнинг ўзида 46 нафар ўқувчимиз халқаро танлов ғолиби бўлди. Жорий йилда 23 нафар ўғил-қизимиз Франция, Руминия, Италия, Польша, Россия давлатларида бўлиб ўтган танловларда совринли ўринларни эгалладилар. Ўқувчиларимиздан Ф.Хусанов, Л.Астанова, Б.Абдураимовларнинг чет мамлакатларда катта сахналарда чиқишлари, ижро маҳорати муносиб баҳоланганлиги, шубҳасиз, барчамизни қувонтиради.

Мустақиллик кўпчилик қатори менинг тақдиримда ҳам янги ўзгаришлар ясади. Дунёнинг кўп мамлакатларида ўқувчиларим билан ўзбек музыка санъатини жаҳонга танитиш, лицейимиз орқали давлатимиз шухратини юксалтиришга оз бўлсада ҳисса қўшганимдан бахтиёрман. Самарали меҳнат албатта ўзининг мевасини берар экан. Ёш авлод камолоти йўлида қилган менинг ҳам ишларим давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. 2007 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. 2009 йилда эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлдим. Бу юксак ишонч ва эътибор, Истиқбол берган бахт ва улкан ютуқлар қалбимда ифтихор туйғуларини оширмоқда.

Ёш авлодни она диёрга меҳр-муҳаббат, фидойилик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига ўзлигини англаш, ватанпарварлик, она юртга садоқат каби туйғуларни шакллантириш борасида «Камолот» ЕИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор бўлаётир.

Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Мактаб ва коллежларда «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» кўриқ-танловлари мунтазам ўтказиб келинади. Мирзо Улуғбек саноат касб-хунара коллежиде туман прокуратураси ва ИИБ ҳамкорлигида анъанавий тарзда долзарб мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, салоҳиятини намойён этиш борасида қабул қилинаётган фармон ва

Мирзо Улуғбек туманида 52 та маҳалла бўлиб, улар орасида ибратли ишлари билан бошқаларга намуна бўлаётганлари кўп. Бугунги кунда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида маҳаллаларда мулоқот ва давра суҳбатлари ташкил этиш, ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида «Баҳор», «Оққўрғон», «Аҳиллик», «Бешкапа», М.Исмоилий номи маҳаллаларда савий-ҳаракатлар кўлами кенг. Айниса болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун бу маҳаллаларда турли тўғаракларга жалб этиш ишлари ҳақида алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, «Аҳиллик» ва «Бешкапа» маҳаллаларида ташкил этилган зардўзлик, тиккувчилик ва дурадгорлик тўғаракларида юздан зиёд ўғил-қизлар хунара ўрганмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Махаллийлаштириш дастури доирасидаги 324 та лойиҳани амалга оширишга 135 та корхона жалб этилди. Ушбу субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми 345,4 миллиард сўмни ташкил этди. Бу — аввалги кўрсаткичлардан 1,6 баробар кўп демаскир. Шунинг ҳам айтаётгани ўн икки йил ичида имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланилгани боис тегишли маҳсулотлар импорт қилиниши 216 миллион долларга қисқарди.

Йиғилишда юқори кўрсаткичлар қаторида айрим тузилмаларнинг иқтисодий ночор, паст унумли корхоналар фаолияти мувофиқлашувини таъминлаш борасидаги ҳаракатлари бе-самар кечаётгани таҳлиллар асосида баён этилди. Ўтган ойлар давомида 31 та йирик корхона сановат маҳсулотларини, 19 таси — истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни пасайтиргани кузатилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда туман ҳокимлари, Монополиядан чиқариш, рақобатни кучайтириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар бошқармаси раҳбарияти эътибори иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, йирик корхоналарнинг барқарор ишлашини, молиявий мустақамлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш дастурларини, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини сўзсиз бажарилишига эришиш лозимлигига қаратилди.

Ушбу масала банк тузилмалари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтган ҳолда ҳам кўриб чиқилди. Чунки, банкларнинг капиталлашувини ошириш ва инвестиция фаолиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг таҳлил этиш давомида узок муддатли кредитларни иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларига мувофиқ барқарор кредитлаш учун кенгроқ жалб этиш, банк маблағларини иқтисодий ночор корхоналарни замонавий технологияларни киритган ҳолда, мавжуд имкониятларни модернизация қилиш орқали молия-

вий соғломлаштиришга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига 5,1 триллион сўм ажратилган бўлса, шундан тенг ярми — сановатга, 15 фоизи — транспорт ва алоқа соҳасига, 6,4 фоизи — капитал курилиш ишларига йўналтирилган. Кичик бизнес субъектларига 1,5 баравар кўп кредит маблағлари ажратилгани натижага ўлароқ ялпи ҳудудий маҳсулотдаги уларнинг улуши сезиларли ошиши (51,5 фоиз)га эришилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида жорий йил бошидан пойтахтда пластик карточкалардан фойдаланувчилар 161 мингтага кўпайган бўлиб, айни пайтда 1,5 миллион кишини ташкил этади. Савдо ва бошқа хизмат кўрсатувчи тармоқларда қўшимча 920 та терминал ўрнатилган. Бугунги кунгача эса шаҳар бўйича 10371 та терминал жорий этилган. Хисобот даврида пластик карточкалар орқали 639 миллион сўмга тенг, яъни ўтган даврга нисбатан икки бараварга кўпроқ ҳисоб-китоблар амалга оширилган. Йил якунига қадар терминаллар

мақсадида уй шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун 5 мингдан зиёд пудрат шартномалари тузилди.

Шаҳар ҳокими ўринбосари Фазлитдин Зияев мазкур долзарб масалани шарҳлаш давомида бир қатор тузилмалар билан биргаликда ўрта махсус ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, шу мақсадда шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда икки кунлик меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу тадбирда деярли 200 та иш берувчи

новлари ўтказилади. Йиғилишда Халқ таълими бош бошқармаси ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутасаддиларига тест синовларидан ўта олмаган ёшларни ота-оналар билан келишган ҳолда турдош йўналишдаги ўқув юртлирига жойлаштириш юзасидан тегишли чоратадбирларни ўз вақтида амалга ошириш лозимлиги ўқтириб ўтилди.

Фаоллар йиғилишида куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари ҳақида ҳам ахборот тингланди. Барча коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда туман ҳокимликларига биринчи галда ижтимоий объектлар бўйича ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини жорий йил 1 сентябрга қадар, мавсумга тайёргарликнинг айрим йўналишлари бўйича эса — 15 августгача тугатиш лозимлиги юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Бу борада асосий эътиборни иш жараёнларини фақат муддатига тугатишга эмас, балки сифат кўрсаткичларига эришишга қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Пойтахтнинг барча тузилмалари ҳамда туман ҳокимликларига аниқ кўрсатмалар ижро интизомини мустақамлаш масаласи юзасидан ҳам берилди. Хусусан, назоратдаги ҳар бир меъёрий ҳужжатни ўз вақтида ўрганиб, тўлақонли ижро этилишига, ёзма ва оғзаки мурожаатлар қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда кўриб чиқилиши таъминлашига бевосита раҳбарлар жавобгарлиги яна бир бор таъкидланиб, ушбу масалада масъулиятни сусайтирмаслик лозимлиги, амалий ишларда электрон усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқлигига ургў берилди.

Шаҳар фаоллари йиғилиши кун тартибида қўрилган барча масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.Фаниев иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СИФАТ МЕЗОНИГА — АСОСИЙ ЭЪТИБОР

Йиғилиш кун тартиби доирасида нақд пул айланишини янада такомиллаштириш, банк омонатларига нақд пул тушумининг тўлиқ тушишини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини пластик карточкалар асосида кенгайтириш бўйича қилинаётган ишлар муҳокама қилинди.

Марказий банк шаҳар бошқармаси бошлиғи Шерзод Хаджидаев бу ҳақда ахборот берар экан, ушбу масала жорий йилнинг август ойидан бошлаб пенсия ва нафақалар, стипендия ва бюджет ташкилотлари бўйича ойлик маошлари оширилиши, яъни нақд пулда амалга оширилаётган биринчи галдаги тўловлар ҳажми кўпайиши муносабати билан янада жиддий тус олиши, шу боис бу борадаги саъй-ҳаракатларда авваламбор мужассамликка эришиш лозим, дея таъкидлаб ўтди.

Шунга ҳам ургў берилдики, банк тузилмалари ва нақд пул асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатлар янада мустақамлашни зарур, бу борада айниқса банклар ўз миқозларининг, хусусан, нақд пулларини инкасса қилувчи субъектларнинг ишончини оқлашга доир мажбуриятларини мувофиқлаштириб бориши лозим.

сонини 18 мингтага, улардан пластик карточкалар орқали фойдаланувчиларни 1,8 миллионга етказиш кўзда тутилаётди.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, пластик карточкаларни кенг ва тўсиқларсиз амалда қўлланилишига эришиш борасида тегишли тузилмалар туман ҳокимликлари билан биргаликда терминаллар жорий этиш зарур бўлган манзиллар бўйича аниқлик киритиши ва амалий чоралар кўриши лозим. Бу эса, шубҳасиз, банкдан ташқари нақд пул муомалада бўлишининг қисқаришига асосий замин бўлиб хизмат қилади.

Шаҳар фаоллари йиғилишида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир жорий йилга мўлжалланган дастурнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Ўтган олти ой ичида пойтахт миқёсида 45260 та янги иш ўрни яратилган, шу жумладан 32,7 мингтаси — кичик ва хусусий бизнес иштирокида, 3,6 мингдан зиёди — янги объектларни фойдаланишга топшириш, мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига ташкил этилди. Касаначиликни сановат корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда қўллаб-қувватлаш

субъектларнинг имкониятлари билан 30 мингга яқин коллеж ва лицей битирувчиси яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Мониторинг таҳлилларига кўра, битирувчиларнинг 86,7 фоизи мутахассислиги бўйича доимий иш билан таъминлашни юзасидан уч томонлама шартномага эга. Аммо ушбу ҳужжатлар амалда ўз ифодасини қай даражада топаётми? Йиғилишда бунга ургў берилгани ҳолда, мониторингнинг давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, бу борада ёшларнинг ишга жойлашуви бўйича ҳақиқий вазиятни ўрганиш, зарурат туғилса, ёш мутахассисларга меҳнат жомасига кўникама ҳосил қилган қадар керакли ёрдамни бериш лозимлиги қайд этилди.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда тўққизинчи синф битирувчиларини лицей ва коллежларга тўлиқ камраб олиш жараёнлари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бу йили 118 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига 38758 нафар ўғил-қизларимиз ҳужжат топширган. 24 тасида бир ўринга ўрта ҳисобда бешдан зиёд ўқувчи тўғри келаётгани инobatга олиниб, тест си-

Солиқ

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» САМАРА БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг алоҳида буйруғи билан давлат солиқ хизмати органларида «Ишонч телефони» фаолияти йўлга қўйилиб, соҳага оид вазибалар ижросини тўлиқ таъминлаш, солиқ қонунчилиги бузилиш ҳолатлари, фуқароларнинг манфаатлари ва қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Яккасарой тумани давлат солиқ инспекциясида ҳам фуқаролардан тушган маълумотларни рўйхатга олиш ва ижросини таъминлаш мақсадида инспекция навбатчи қисмида 250-27-93 ва 250-54-76 рақамли «Ишонч телефони» жорий этилган.

«Ишонч телефони»га қўнғироқ қилган фуқароларнинг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг Биламизки, ёнгин хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, албатта моддий зарар кўрилади. Иккинчидан, ёнингиздаги қўшни хонадон гуриллаб ёнадию сизнинг уйингизга ўтиб кетмайди, деб ким қафолат беради?

Кўриниб турибдики, биргина сизнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингиз тинч-осуда яшашингиз учун тўла асос бўла олмас экан. Доимий равишда қўлдан келганча ён атрофингиздагиларни ҳам ҳушёрликка чақирингиз нур устига аъло нурдир. Лекин орамизда шундай инсонлар борки, эҳтиёткорликни унутиб, кўпчиликнинг азият чеки-

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида кўриб чиқилади.

Шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, мазкур қонуннинг 6-моддасига биноан ҳар бир мурожаат остида фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим, шунингдек, ариза-шикоятнинг

Сиз ҳаётда бир бор бўлсада, ёнгин ҳодисасини кўрганмисиз? Дейлик, қўшинингизнинг уйида бирорта сабаб билан ёнгин чиқди. Гарчи қўшининг уйи ёнаётган бўлсада, бироқ кўпроқ қуяётган сиз. Чунки у сизга жонажон қўшни.

«01»

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТАЙЛИК

шига сабаб бўлмоқда. Уларни ҳам охир-оқибат «Сўнги пушаймон, ўзинга душман», деган мақолнинг нақадар ҳақ эканлигига амин бўлмоқда. Масалан, Чилонзор тумани 7-даҳада истикомат қилувчи 1960 йилда туғилган К.Пакнинг хонадонига юз берган

ёнгинга электр пайвандлаш ишларида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши сабаб бўлган. Пайвандлаш ишларини бажарган ва хавфсизлик қоидаларига амал қилмаган одам бу уй эгасининг ўзи. Унинг жасади сўри тагидан топила...

Ўз умримизни, ширин жонимизни барбод айлаб, молу давлатимизнинг кули қўкка етишига йўл қўймайлик.

Бахтиёр ШАРИПОВ, 12-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи, капитан

Таълим

ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Истиқлолнинг келажакимиз ворислари — фарзандларимиз комил инсон бўлиб вояга етиши учун очиб берган имкониятлари ҳақида фақат ва фақат тўлқинланиб гапириш мумкин.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ижодий фаолиятини бемалол намоён этиши учун барча қулайликлар яратилган. Замонавий коллеж ва лицейлар барпо этилди, таълим соҳасига янги педагогик технологиялар жорий этилди. Албатта, шу боис ҳам бундай даргоҳларда таълим олаётган ўғил-қизларимиз нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки хорижда ҳам уюштирилаётган халқаро фан олимпиадаларида, турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, совринларни қўлга киритмоқда.

Яқинда Қозоғистоннинг пойтахти Остона шаҳрида математика фани бўйича ташкил этилган 51-халқаро фан олимпиадасида республикамиз ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларидан бир гуруҳи Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Шу муносабат билан куни кеча ташкил этилган тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси вакиллари ҳамда совриндор ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда барча фанлар қатори математиканинг барча сир-асрорларини ёшларга пухта ўргатишнинг самарали усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз борди. Тадбир доирасида Остонадаги математика фани бўйича олимпиада совриндорларига ташкилотчилар номидан эсдалик совғалари топширилди.

Танловлар

БУХГАЛТЕРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Яхши маълумки, корхона, ташкилот ва муассасалар барқарор фаолият юритишида ҳисоб-китоб ишлари аниқ ва пухта бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада эса бухгалтерларнинг ҳиссаси каттадир.

Бугунги кунда республикамизда ушбу соҳани ёшларга ўргатишга ихтисослашган кўплаб ўрта махсус таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида минглаб ёшлар бухгалтерлик касби бўйича таълим олган бўлиб, ҳозирда ўз соҳалари бўйича фаолият юритмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси муассасида нашр этилаётган «Солиқ инфо» газетаси таҳририяти ташаббуси билан бухгалтерлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов ҳам ушбу йўналишда фаолият юритаётган ёш мутахассисларнинг малакасини оширишга асос бўлиб хизмат қилди, десак адашмаймиз.

«Йилнинг энг яхши бухгалтери» ва «Йилнинг энг яхши аудитори» кўрик-танловларининг якуний босқичи пойтахтимиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ғойиб бўлган бухгалтерлар иштирок этди. Қувонарлиси, республика босқичига етиб келган танлов қатнашчилари ўзига берилган ҳар бир саволга пухта жавоб бериб, шартларни яхши бажаришга эришди. Албатта, ғойиб ва совриндорларга совғалар тўхфа этилди. Муҳими тадбир мутасаддилари ушбу танловни ҳар йили ўтказишга келишиб олишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов тумани бўлими Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Нурафшон» ва «Конструктор» оромгоҳларида «Камолот куни» тадбирлари ўтказилди.

Ёз — ўтмоқда соз

БОЛАЛАР СЕВИНЧИ ОЛАМНИ ТУТДИ

Дам олувчи ўғил-қизлар ўртасида бу ерда «Кувноқ эстафета» мусобақалари ва «Заковат» уйинлари ташкил этилди. Ушбу тадбирлар нафақат болажонларга, балки уларнинг ота-оналарига бир олам қувонч улашди.

— Фарзандим Суннатиллани биринчи марта оромгоҳга юборишим ва бундан жуда хурсандман. Бу ерда яратилган шароитлар, ўтказилаётган тадбирлар фарзандларимизнинг таътил кунлари мароқли ўтишида катта ёрдамдир. Тадбир ташкилотчиларига ҳам катта раҳмат, — деди тадбирдан олган таассуротлари билан ўртоқлашиб Муаттар Дўстмухамедова.

Жисмоний тайёргарлик ва билим бобидаги беллашувларда фаол иштирок этиб, ўз иқтидорларини намоён қилган болажонлар «Камолот»нинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоҳиста МУХСИМОВА

2010 йил — Баркамол авлод йили

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган конференцияда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, педагоглар, олимлар, маънавият тарғибчилари, амалиётчи психологлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова, халқ таълими вазирлигининг ўринбосари А.Холбеков, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммаджонова давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юртимизда ёшлар камолати йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишнинг мукамал механизми яратилганини таъкидлади. Ҳуқуқчи-ёшларга пухта билим бериши, уларни қучли ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдодини рўйб-га чиқариш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ёш авлодни ғоявий таҳдид ва «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишнинг илмий-методик масалалари бағишланган республика конференцияси бўлиб ўтди.

изчил ишлар жараёнида ўғил-қизлар маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом тафаккур соҳиби этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида қатъий эътиқод ва қарашларга эга, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, ўғил-қизларда мустақил тафаккурни шакллантириш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу вазифаларнинг ижросидани таъминлаш мақсадида юртимизда умумий ўрта таълим мактаблари билан бирга ёшлар тарбияси, маънавиятида муҳим ўрин ту-

тувчи маърифат масканлари — ахборот-ресурс, бадиий ижодиёт марказлари, болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар, техника воситалари билан таъминлаш, педагог ва мураббийларнинг меҳнатини қадрлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан табиий фанлар баробарида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксак поғонага кўтариш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқчиларнинг тафаккурини бойитишга қаратилган «Одобнома», «Ватан туйғуси»,

«Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» каби фанларнинг самарадорлигини янада ошириш, мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кучайтиришга оид маърифий лойиҳалар ўз самараларини бермоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги глобаллашув даврида ёшларни Ватан тақдирини учун дахлдорлик, фидойилик, ҳушёрликка даъват этишга оид лойиҳалар, тадбирлар, анжуман ва ижодий семинарларнинг таъсирчанлигини янада ошириш, уларга ёшларни тобора кенгроқ жалб этиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш, болаларда миллий адабиётимиз, китобхонлик кўникмаларини шакллантириш, ўқувчиларнинг ғоявий-ҳуқуқий мафкурасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Конференцияда баркамол авлодни шакллантиришда ғоявий ҳимоя масалалари, ёшларни маънавий таҳдидлардан асрашда психологик ҳавфсизлигини таъминлаш, ўқувчи-ёшлар ижодкорлиги — баркамоллик омили, навқирон авлод тарбиясида маънавиятнинг ўрни, мактабдан ташқари таълим ва ғоявий тарбия каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Яхшилар суҳбати создир, сен ҳам яхши бўл, эй дилдор, Мудом яхши бўлишни кўзласин оламда кимки бор.

Ҳақиқат билан яхшилик бир-бирдан ажралмас нарса.

Яхшилик ишончдан тугилар ҳар дам, Яхшилик-ла енгар ёмонни одам.

— Қандай қилиб ақлли бўлиш мумкин?

— Донолар билан суҳбатда.

— Нима шамолдан ҳам тез чопади?

— Фикр.

— Энг яқин дўст ким?

— Хотин.

— Энг яхши бойлик нима?

— Билим.

— Чин маънодаги осойишталик деб нимани тушунса бўлади?

— Кўнгил осойишталигини.

— Қанақа касал давосиз?

— Очкўзлик.

Музыка ҳаётнинг зийнати.

Ҳардамхаёл кишининг фикри шохи кўп дарахтга ўхшайди, қатъий фикр найзадай тўғри бўлади.

Кимнинг нияти ёвуз бўлса, у ерда зафар бўлмайди.

Ҳаққоният учун курашган одамгина енгади.

Ғам тўлқинларига бўш келсанг, унинг тубига чўкиб кетсан, курашсангина азоб-уқубат денгизини сузиб ўтасан.

Ғам-ғусса оловини донишмандлик суви билан ўчир.

Ҳақиқат бор жойда ғалаба бор.

Ким ҳақ сўз-ла таратолса ном, Ким лафзида туролса мудом. Ким ахдига содиқ бўлса гар, Улуғлағай уни одамлар!

Ҳар бир кишининг бурчи унинг ўзидан ҳам қудратли бўлади. Агар тарозининг бир палласига бурчини, иккинчисига оламнинг барча ҳою ҳавасларини, ҳаёт жўшқинлигини қўйилса, биринчиси оғир келади.

(«Маҳобҳорат» достонидан)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгилеклари

СКОЛАРИ БОШ МУРАББИЙЛИККА ДАЪВОГАР

Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ўтказилган XIX жаҳон чемпионати яқунланганидан кейин бир қатор терма жамоаларида ўзига хос ўзгаришлар бўлмоқда.

Беш карра жаҳон чемпиони Бразилия терма жамоаси XIX жаҳон чемпионатида муваффақиятсиз иштирок этган, бош мураббий Дунга лавозимидан кетишга мажбур бўлганидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Кунги кеча Бразилия футбол федерацияси терма жамоага бош мураббийлик қилиши мумкин бўлган номзодлар рўйхатини эълон қилди. Унда «Бунёдкор» жамоасини бошқарган тажрибали мутахассис Сколарининг ҳам номзоди бор. Шунингдек, собиқ футбол юлдузи Ромарио ҳам терма жамоани бошқариши мумкин.



Бахтиёр Аҳмаджонов тренажёрлар залида машғулотларни бошқариб борувчи тажрибали мураббийлардан.

— Соғлом турмуш тарзида ошн бўлиш мақсадида кадрдон дўстим билан бу ерга келдик, — дейди Файзулла ота Тош-

мухамедов. — Машғулотлардан сўнг кучимизга куч қўшилаётганини сездик, ҳаётга бўлган қизиқишимиз ошди. 75 ёшга қадам қўйган бўлишимизга қарамай, ҳарсиллашимиз йўқолди, кўп юрадиган бўлдик, уйқумиз ҳам яхшиланди. Му-

раббий Бахтиёржон бизла махсус дастур тузди. Натижанда энг яхши дори — бу ҳаракат эканлигини сездик.

— Ўз саяё-ҳаракатларимиз, уришиларимиз билан, — деди дўсти фикрини давом эттириб Турғун ота Одилов, — тре-

нажёрлар залида шуғулланиш учун ҳеч қандай улуғ ёшнинг халал бермаслигини ёшларимизга ҳам ибрат қилиб кўрсатмоқчимиз.

И.ДИЛШОДОВ

Алексей Попов олган сурат

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси тренажёрлар зали доимо соғлигини мустаҳкамлаш ниятидаги спортсеварлар билан гавжум бўлади. Бу ерда 10 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишиларни қизгин машқлар пайтида учратишингиз мумкин.

САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШДА ҚУЛАЙ ИМКОНЯТ

нажёрлар залида шуғулланиш учун ҳеч қандай улуғ ёшнинг халал бермаслигини ёшларимизга ҳам ибрат қилиб кўрсатмоқчимиз.

МУНОСИБ ТУҲФА

Хитойда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси ўз ғалабаси билан мамлакатимизда «ақл гимнастикаси» ёшлар

орасида тобора оммалашиб бораётганлигини яна бир карра исботлади.

Таниқли мутахассис Владимир Егин бош мураббийлигида 8 ёшгача бўлганлар орасида Нодирбек Ёқубов ва 10 ёшгача шахматчилар орасида Темур Игонин учинчи ўринни эгаллашиб, Осиё чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирланди. Уларнинг ушбу муваффақиятлари Баркамол авлод йилига муносиб туҳфа бўлди.

14 ёшлар орасида Олег Артёмко ва 18 ёшгача «ақл гимнастикаси» уста-

лари ўртасида қатнашган Сарвиноз Курбонбоева умумий ҳисобда кучли бешликдан ўрин эгаллашди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Олмалик шахрида 1996-1998 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати мурасасиз баҳсларга бой кечди.

Кувонарлиси, чемпионатда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон, барча вилоятлардан келган 278 нафар ёш чарм қўлқол усталари ғолиблик учун мурасасиз кураш олиб борди. Ун саккизта вазн тоифасида ташкил этилган баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти биринчи ўринни эгаллаган бўлса, ҳамшаҳарларимизга иккинчи ўрин насиб этди. Наманган вилояти ёш боксчилари учинчи ўрин билан кифояланишди.

Ҳамшаҳарларимиздан Абдулхай Шорахатов, Жасур Аҳмаджонов ва Жавохир Соиповларга ўз вазн тоифаларида тенг келадиган рақиб топилмади.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Анвар ҒАНИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агросоаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Паркент тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 11-1030/5741-сон ижро ҳужжатида асосан Тошкент вилояти Паркент тумани, Бойқозон қишлоғида жойлашган 9220 кв.м. ер майдонида жойлашган «Бойқозон қишлоқ хўжалик сервис «ММТП МЧЖ га қарашли бўлган маъмурий бино — бошланғич нархи - 93 000 000 сўм, 2. 10.05.2010 йилдаги № 11-1030/5741-сон ижро ҳужжатида асосан 2008 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси ЕМ 67-33 бўлган «Класс Доминатор» дон ўриш комбайни бошланғич нархи - 89 500 000 сўм.

1. Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 28.09.2009 йилдаги № 1-702-09-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ЖИБ судининг биносига сақланаётган 2009 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 5 J 605 АА бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи - 11 478 517 сўм. 2. М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.04.2010 йилдаги № 776/10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани МЧЖ «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 1989 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 10 N 1369 бўлган «Ваз-2107» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи - 3 419 308 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 31 август кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари 2010 йил 31 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 16 сентябрь кунини бошлаб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2010 йил 17 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

1.Бектемир тумани СИБ томонидан 07.05.2009 йилдаги № 1-129-сон ижро варақасига асосан Эрон Республикасида ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линияси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 77 295 141 сўм. 2.Чилонзор тумани СИБ томонидан 02.03.2010 йилдаги № 9245/22-сон ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси 10-сонли жарима майдончасида сақланаётган 1994 йилда ишлаб чиқарилган дав.белгисиз бўлган «ДЭУ РЕЙСЕР» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 6 370 098 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларини қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 384 нуска босилади. Қоғоз ёнғини А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоси оқшомининг компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.